# Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 12-YANVAR, SESHANBA, 5 (7622) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Бунёдкорлар Баркамол авлод йилида жами 50 та турар-жой биноларини қуриб битказишади. Ҳозиргача ана шу иншоотларнинг 43 тасида 30 фоиз атрофида иш уддаланди. Кўрғондаги 33 гектар майдонда 251 та бир ва икки қаватли уй-жойлар қурилиб, ишга туширилади.

2



Деҳқон даласидаги пайкалга жилдирабгина оқиб кираётган сув қанчалан-қанча манзил босиб келади. Унинг бу ергача етиб келишида кўплаб кишиларнинг меҳнати бор. Деҳқон етиштирган мўл ҳосилидан севинчи ичига сиғмаган лаҳзаларда, худди улардек қувонган кишилар сафида ирригаторлар, мелиораторлар ҳам бор.

3



Қарши туманидаги Чўлибўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Жайлов бобо Тўллиев Баркамол авлод йилининг дастлабки кунларида муборак 104 ёшга тўлди. Ҳаракатлари чаққон, боқишлари зийрак, ҳар бир сўзни обдон ўйлаб, чертиб-чертиб гапирадиган бу отахоннинг авлод-аждодлари бир катта қишлоқни ташкил этади.

4

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

## ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

**Маълумки, 2009 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг тегишли округ бўйича сайлов натижалари бўйича баённомаларини кўриб чиқди. 135 та сайлов округидан 39 тасида депутатликка номзодлардан бирортаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозларни тўплай олмаганлиги аниқланди.**

Шу муносабат билан 2010 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича 39 та сайлов округида ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказувчи 779 та сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 38-, 45-моддаларига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 39 та сайлов округининг 2475 та сайлов участкасида такрорий овоз бериш ўтказилди. Такрорий овоз бериш ўтказилган 39 та сайлов округида сайловчилар рўйхатига киритилган 4 миллион 969 минг 547 нафар сайловчидан 3 миллион 960 минг 876 киши, яъни сайловчиларнинг 79,7 фоизи такрорий овоз беришда қатнашди. Такрорий овоз бериш очиқ ва ошкора, миллий сайлов қонунчилигининг барча меъёрларига риоя қилинган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро нормалар ва стандартлар асосида ўтди.

Парламент қуйи палатасига сайлов бўйича такрорий овоз бериш жараёнида сиёсий партияларнинг 4200 дан зиёд кузатувчиси иштирок этди.

Сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг тўрт мингдан ортиқ ваколатли вакиллари қатнашди.

Марказий сайлов комиссиясига такрорий овоз бериш жараёнида сайлов қонунчилигининг бузилиши юзасидан бирор-бир маълумот тушмади.

Андижон вилояти бўйича битта — 14-Марҳамат сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилди.

— Округимиз Марҳамат, Булоқбоши ва Асака туманлари ҳудудида жойлашган 54 та сайлов участкасини қамраб олган, — дейди округ сайлов комиссияси раиси И.Исмоилов. — Округ бўйича сайловчилар рўйхатига 130 минг 800 фуқаро киритилди. Участка сайлов комиссиялари такрорий овоз беришга пухта тайёргарлик кўрди. Такрорий овоз бериш жараёнини сиёсий партиялар вакиллари кузатиб борди. Сайлов участкаларида такрорий овоз беришнинг боришини, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам кузатди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-Нукус сайлов округидаги 52 та сайлов участкасида такрорий овоз беришга олдиндан тайёргарлик ишлари олиб борилди.

— Мен ҳар икки депутатликка номзоднинг сайловолди учрашувида иштирок этдим ва ўшандаёқ ким учун овоз беришни ҳал қилган эдим, — дейди 31-сайлов участкасида овоз берган сайловчи, пенсионер Сапаргул Маденбоева. — Бир неча кун аввал такрорий овоз беришга таклифнома олдим ва ўзим муносиб деб билган номзод учун овоз бердим. Мен тўғри қарор қилдим, деб ўйлайман. Сайлов участкасида ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган, биз, сайловчилар учун барча шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича такрорий овоз беришда пойтахтимиздаги 125-Дархон, 129-Дўмбиробод, 131-Астрабод ва 134-Қўйлиқ сайлов округларидаги 207 та сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилган 520 мингдан зиёд сайловчидан 74,3 фоизи иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада)



## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Баркамол авлод йили Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар ходимлари учун катта хурсандчилик билан бошланди. Яқинда Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Шуманай тумани ички ишлар бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Халқимизнинг тинчлигини ва хавфсизлигини сақлашда, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили республика ҳудудида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қилинган тадбирлар натижасида жиноятчилик олдинги йилга нисбатан анча камайди. Бунда зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуманай тумани ички ишлар бўлими ходимлари барча шарт-шароитлари мавжуд замонавий бинога эга бўлдилар. Шунингдек, Нукус шаҳрида икки қаватли 16 оилага мўлжалланган турар-жой фойдаланишга топширилди. Ички ишлар вазирлиги ходимларига янги уйларнинг калитлари берилди. Уй эгаларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Бу биз учун бетакрор совға бўлди, — дейди ички ишлар ходими Виталий Евремов. — Бу Юртбошимиз томонидан бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**СУРАТДА:** *шуманайлик ички ишлар бўлими ходими ўз оиласи билан янги уйли бўлди.*

* * *

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** Ватан ҳимоячилари куни арафасида Фарғона ҳарбий гарнизони қисмларининг аскар ва зобитлари байрам тухфаси олдилар. Улар учун Фарғона шаҳрида барча қулайликларга эга бўлган муҳташам турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. 55 оила байрамни уй тўйлари билан қўшиб нишонлайдиган бўлди.

Шу муносабат билан бу ерда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантана бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаб келаётган ҳарбий хизматчилар шаънига дил сўзларини айтишди. Хизматда алоҳида ўрнак кўрсатиб келаётган, жисмоний ва сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришиб келаётган бир неча ҳарбий қисмларнинг хизматчиларига турли эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Шу пайтга қадар маҳаллий ҳокимликлар, бир қатор ташкилот ва муассасаларнинг амалий ёрдамлари туфайли шартнома асосида ҳарбий хизмат ўтаб келаётган юзга яқин ҳарбийларнинг оилалари уй-жойлар билан таъминландилар, — дейди Шарқий ҳарбий округ қўмондонининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари Олимжон Занжиров. — Ҳарбий қисмларнинг меҳнат жамоалари, ўқув юртлари билан алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб боряпти. Мана шундай байрамларда ташкилотлар вакиллари қисмларга келишиб, уларга ўз совғаларини топшириб, маданий-маърифий тадбирлар ўтказадилар.

**Музаффар МАМАТҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## МАДАНИЯТ, САНЪАТ, СПОРТ ФИДОЙИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

***Пойтахтимизда 2009 йилда энг самарали фаолият кўрсатган маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди***

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик руҳида тарбиялашнинг муҳим шарти сифатида маданият, санъат ҳамда спорт ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бу — юртимизда кўплаб санъат кошоналари, маданият саройлари, мусиқа ва санъат йўналишидаги таълим масканлари, муҳташам спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, стадионлар, болалар спорти мажмуаларининг барпо этилишида, уларда фарзандларимизнинг иқтидори тўлиқ намоён бўлиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилаётганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ана шундай ғамхўрлик натижасида ёш истеъдодларимиз жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат фестивали ва халқаро танловларда катта ютуқларга эришмоқда.

Мамлакатимиз спортчилари 2009 йили жаҳон ва қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги ва Осиё ўйинларида 166 олтин, 151 кумуш ва 361 бронза, жами 678 медални қўлга киритди. Иқтидорли спортчимиз Вадим Меньков байдарка ва каноэда эшкак эшишда жаҳон чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди ва 2009 йилнинг "Энг ёрқин спорт юлдузи", деб топилди. Кетма-кет икки марта жаҳон чемпионлигига эришган боксчи Аббос Атоев "Йилнинг энг маҳоратли спортчиси", юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Азизбек Муродов "Йилнинг умидли спортчиси", енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Анастасия Свечникова "Йилнинг иқтидорли спортчиси", Ўзбекистон теннис федерацияси "Йилнинг энг фаол федерацияси", сув полоси бўйича Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси "Йилнинг энг яхши спорт жамоаси" номинациясида ғолиб бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё Вилояти

## Иқтидорли ёшлар академия аъзоси

**2010 йил сирдарёлик уч нафар рассом ва миниатюрачи Алижон Раҳматуллаев, Одилжон Аҳмедов ва Аҳмаджон Бобожоновлар учун омадли келди.**

Портрет ва миниатюра жанрида ижод қилаётган ёш рассомлар янги йилнинг шодиёна кунларида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Миллий қадриятларимиз, табиат манзараларини рангли бўёқларда ўзига хос тарзда акс эттираётган ёш рассомлар ўз асарлари, кўргазмалари билан санъатсеварлар меҳрини қозонишмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Дастурлар ижроси — тараққиёт йўли

## САМАРҚАНД САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

**2009 йили мамлакатимизда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида иқтисодиётни эркинлаштириш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, саноат ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган дастурлар доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида белгиланган режалар амалга оширилиб, ободонлаштириш ишларига асосий эътибор қаратилди.**



Масалан, 43 та янги корхона ташкил этилиб, мавжуд 32 тасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Йирик янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, кенгайтириш ва қайта қуриш ҳисобига 4500 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 10 дан ортди. Шулардан бири россиялик инвесторлар ҳамкорлигида яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган "Дака-Текс" корхонаси бўлиб, лойиҳа қиймати 5,5 миллион АҚШ долларига тенг. Ривожланган давлатларнинг энг илғор технологиялари ўрнатилган ушбу корхонада 100 нафарга яқин ёшлар доимий иш жойларига эга бўлди. Бу ерда халқаро сифат талабларига тўла жавоб берадиган ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)

**Ўзбекистонда йил сайин солиқ юкини камайтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 22 декабрда қабул қилган "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорида жорий йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.**

## Солиқ имтиёзи — иқтисодиёт равнақи омили

Мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган "Иқтисодий ислоҳотлар йўлида" мавзусидаги Тошкентда бўлиб ўтган кўргазмали семинарда иқтисодиётни эркинлаштиришга, кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз қарорига кўра хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида, 2010 йилда фойда солиғи базавий ставкаси амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди. Бунинг натижасида корхоналар ихтиёрида 2010 йилда 52,1 миллиард сўм маблағ қолдирилиши кутилмоқда. Бу маблағ эвазига корхоналар ишлаб чиқаришини кенгайтириш, технологик қайта жиҳозлаш, ишчи ва хизматчилар маошларини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, аҳоли даромадларига солиқ миқдорини камайтириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 2010 йилда ҳам камайтирилиб, 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилди. Солиқ солинадиган даромадни Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълим олиш учун (ўзининг таълим олиши ёки 26 ёшгача бўлган фарзандининг таълим олиши учун) тўланган маблағлар суммасига камайтириш шаклида қўшимча имтиёзлар жорий этилди. 2010 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан пасайтирилиб, 7 фоизга туширилгани натижасида микрофирма ва кичик корхоналарнинг солиқ юки камайиб, уларнинг ихтиёрида 25 миллиард сўм миқдорида маблағ қолиши кутилмоқда.

Давлат мақсадли жамғармаларидан амалдаги Пенсия жамғармасига мажбурий тўлов ставкаси 1 фоиздан 1,5 фоизга оширилди. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасининг амалдаги 1 фоиз ставкаси эса 0,5 фоизга камайтирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

